697

ЯНГИ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Шахрисабз туманидаги F. Бобоёров номли хўжаликда "Шахри-интернейшнл" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ишга туширилди. Йилига 1000 тоннадан зиёд истеъмол ёғи ишлаб чиқадиган бу корхона америкалик ҳамкорлар билан бунёд этилди. Ускуналарни Франциянинг "Делепланк" фирмаси етказиб берди. Тумандаги "Сўғдиёна" агроқурилиш ташкилоти бинокорлари қурилишни амалга оширди.

Юнус УЗОҚОВ.

ПАРИЖ КЎРГАЗМАСИГА ҲОЗИРЛИК

Шу йил июнь ойида Парижда намойиш этиладиган кўргазма Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланади. Бухоро вилоят давлат меъморчилик-бадиий музейи қўриқхонаси етмишга яқин экспонатни "сафар"га ҳозирлади. Буюмлар орасида эрамиздан олдинги III асрга тааллуқли Юнон-Бақтрия тангалари, кулолчилик буюмлари, тилла тақинчоқлар, бухоролик зардўзлар тайёрлаган нафис либослар бор.

Даврон БАҲРОНОВ.

МУМТОЗ ҚУШИҚЛАР БОҚИЙДИР

Хоразмда машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг 80 йиллик юбилейи тараддуди бошланиб кетди. Хонанда хотирасига бағишлаб ўтказиладиган биринчи республика қўрик-танловида қатнашиш учун талабгор ижрочилар дастлабки беллашувларни бошлаб юборишди.

Юбилей тадбирлари учун вилоят ҳокимлиги тегишли маблағ ажратди. Айни пайтда ҳофиз номидаги жамғарма ҳамда "Олтин мерос" халқаро жамғармаси хайрия концертлари ўтказишни режалаштирган.

Раъно ҚУРБОННИЕЗОВА.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ЖАКАРТА ЎЙИНГОҲИДА

Эртага Ўзбекистон миллий футбол терма жамоаси Индонезиянинг пойтахти Жакартадаги машҳур "Сэнаян" стадионида мезбонлар билан учрашади. Бу ўйин жаҳон футбол чемпионатига йўлланма берадиган навбатдаги саралаш учрашуви бўлганлиги учун ҳам Осиё мамлакатларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Жакарта стадиони 125 минг ўринли, 1963 йилда қурилган. Шу кунларда шаҳарда кундузи ҳарорат 32 даража иссиқ. Мамлакат телевидениеси ўйинни эфирга узатиш учун ҳозирлик кўрган.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 31 май, шанба № 63 (22.147).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 2-3 июнь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасида бўлади.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 май куни Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки президентининг маслаҳатчиси ва бош иқтисодчиси Ник Стерн бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари самарали йўлга қўйилганини қайд этди.

— Узаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳар икки томон учун ҳам манфаатлидир, — деди Ислом Каримов.— Мақсадларимиз ҳамоҳанглиги ташкилотингиз раҳбари — жаноб Жак де Ларозьер де Шампфюнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида янада яққолроқ намоён бўлди. Ташриф якунида у Ўзбекистонга сафари самарали бўлганини таъкидлагани ҳам бежиз эмас.

Президентимиз ушбу халқаро ташкилот вакилларининг мазкур ташрифи ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга ҳисса қўшажагини қайд этди.

СУРАТЛАРДА: Президент Ислом Каримов Европа тикланиш ва тараққиёт банки президентининг маслаҳатчиси ва бош иқтисодчиси Ник Стерн бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилаётган пайт.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ник Стерн Ўзбекистондаги барқарорлик, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнининг изчиллиги Ғарб сармоядорларини тобора кўпроқ жалб этиш имконини бераётганини таъкидлади. Шу маънода Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки ҳам Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда, деди Н. Стерн.

Мулоқот чоғида нефтни қайта ишлаш, енгил саноат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона тузиш, заводлар қуриш, кичик ва ўрта бизнесни, шунингдек, банк ва молия тармоқларини ривожлантириш борасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В.Норов, ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раиси Р.Азимов иштирок этди.

Шунингдек, қабул чоғида Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари И. Каваниши ҳозир бўлди.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 май куни Германиянинг иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт бўйича федерал вазири Карл-Дитрих Шпрангер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини ҳам қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқалари ҳар томонлама ривож топаётганини қайд этиб, мазкур делегациянинг мамлакатимизга ташрифи ушбу алоқаларни янада кенгайтиришга ва уларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилажагини таъкидлади.

— Биз Германияни стратегик ҳамкор сифатида кўришни истаймиз, — деди Ислом Каримов жумладан, — комил ишонч билан айтиш мумкинки, тобора мустаҳкамланиб бораётган ўзаро муносабатларимиз бунинг учун кенг имкониятлар очмоқда.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В.Норов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ғаниев иштирок этди.

Қабул маросимида Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Р.Биндзайл ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ҚЎРИҚ ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Жиззах вилояти Пахтакор тумани пиллакорлари қўриқ вилоятнинг жорий йил ҳосил карвонига катта йўл очдилар. «Кумуш тола» ижодкорларининг давлат қабул пунктларига топширган пилласи 28 тоннадан ошди.

Тумандаги «Навбаҳор» хўжалиги вилоятда биринчи бўлиб давлат режасини уддалаган бўлса, «Самарқанд» ижара ширкатлар бирлашмаси аъзолари 6,5 тоннадан ортиқ пилла топшириб чўл шароитида рекорд кўрсаткичга эришдилар.

Тажрибали пиллакорлардан Қаршигул Худойбердиева, Буврозия Жалолова, Улбозор Синдорова, Қиммат Бобобекова, Гулсара Ўсарова, Кўпайсин Ўринова каби ўнлаб звенолар ҳар қути қурт уруғидан 90-100 килограммдан ҳосил олишди.

Туманда давлатга пилла топшириш қизғин давом этмоқда.

Юнус ЗИЁДОВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Мадридда ўтказиладиган НАТОга аъзо давлатлар учрашуви кун тартиби Лиссабондаги дастлабки учрашувда келишиб олинади.*

* * *

☑ *Конго Демократик Республикасидаги асосий сиёсий партиялари мамлакатда сиёсий фаолиятни тақиқлашга қарши намойиш ўтказиш ниятидалар.*

* * *

☑ *Россия Давлат думаси расмий делегацияси Норвегияга парламентлараро алоқаларни ривожлантириш доирасида ташриф буюрди.*

* * *

☑ *Американинг Техас штатида юз берган кучли бўрон оқибатида 30 киши жабр кўрди.*

* * *

☑ *НАТО ва Украина муносабатлари ҳақидаги ҳужжат Шимолий Атлантика альянси доимий кенгаши томонидан маъқулланди.*

* * *

☑ *Бангладешда юз берган тропик дўл оқибатида 50б нафар киши ҳалок бўлди.*

* * *

☑ *Грузия Абхазиядаги Россиянинг тинчлик ўрнатувчи кучларини чиқариш ҳақидаги масалани қўйиши мумкин, деб баёнот берди Эдуард Шеварднадзе.*

* * *

☑ *Норвегия қироли Россияга ташриф буюриши нияти борлигини тасдиқлади.*

* * *

☑ *Ясир Арофат Исроил-Миср учрашуви якунларига салбий муносабат билдирди.*

* * *

☑ *НАТО ва Россия ўртасидаги муносабатлар асоси ҳақидаги Парижда имзоланган ҳужжат Эстониянинг Шимолий Атлантика блоки аъзоси бўлиш ҳақидаги қарорига таъсир қилмайди, дея Эстония Ташқи ишлар вазирлиги вакили баёнот берди.*

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК ОМИЛИ

29 май куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида академия иқтисод, фалсафа ва ҳуқуқ фанлари бўлимининг, мазкур илм маскани муассасалари раҳбарлари иштирокидаги, кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Анжуман Президент Ислом Каримовнинг республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий-ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви якунларига бағишланди. Унда мамлакат аҳолиси ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида Фанлар академияси олимлари олдида турган вазифалар муҳокама этилди.

Йиғилишни Фанлар академияси президенти, академик Т.Жўраев очди.

Анжуманда сўзга чиққан Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори А.Жалолов, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б.Эшонов, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А. Саидов, Тошкент Давлат юридик институти ректори Ҳ. Бобоев, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова, Иқтисод институти директори О. Ҳикматов, Фанлар академияси мухбир аъзоси Ҳ. Раҳмонқулов, ҳуқуқ фанлари доктори, профессор Ғ.Аҳмедов, Фанлар академияси илмий-ўқув маркази доценти С. Мажидов ислоҳотлар тақдирининг ҳуқуқий маданият, сиёсий фаоллик билан узвий боғлиқлиги, қонунларга итоат — ҳуқуқий маданиятнинг муҳим белгиси эканлиги ҳақида сўзладилар. Улар, шунингдек, инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда ҳуқуқий саводхонликнинг аҳамияти, етук ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш йўллари, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ислоҳотлар уйғунлигини таъминлаш, жаҳон илғор ҳуқуқий тажрибаси, аждодларимизнинг мазкур соҳага оид меросини ўрганиш ва бошқа муаммолар ҳусусидаги фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Шу муносабат билан амалий таклифлар, мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, академия тизимидаги илмий муассасаларда ҳуқуқий тарбия ишларини йўлга қўйиш, олимларнинг мамлакат аҳолиси ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдаги улуши салмоқли бўлишига эришиш лозим. Тегишли муассасаларнинг ҳуқуққа оид илмий тадқиқот ишларини ўзаро мувофиқлаштириш кенгашини тузиш, ҳуқуқшуносларнинг илмий ва амалий соҳалардаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ихтисослашган кенгашлар фаолияти самарадорлигини ошириш чораларини кўриш, ҳуқуқий атамалар бўйича изоҳли луғатлар яратиш, ҳуқуқий ва ахлоқий тарбия уйғунлигига эришиш бу борадаги долзарб вазифалардир.

Йиғилиш иштирокчилари давлатимиз раҳбари мазкур учрашувда кўтарган масалалар олимлар, зиёлилар, хусусан, ҳуқуқшуносларнинг зиммасига юксак масъулият юклашини алоҳида таъкидладилар. Ушбу масъулиятдан келиб чиқадиган асосий вазифа — мамлакатимизда ҳуқуқ фанини мустақил Ватанимиз ривожи манфаатларига янада яқинлаштириш, уни илғор хорижий тажриба ютуқлари билан бойитиш, юқори малакали ҳуқуқшунос илмий ходимларни тайёрлаш, фуқаролар ўртасида ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали амалга ошириладиган ҳуқуқий-маърифий ишлар таъсирчанлигини кучайтиришдан иборат эканлиги қайд этилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тадбирлар режаси қабул қилинди.

(ЎзА).

Тилга эътиборсиз — элга эътиборсиз

БАЛИҚ БОШИДАН ЧИРИЙДИ

Ёмон одат ёпишқоқ бўлади. Қутулиш қийин. «Тарки одат амри маҳол», деб бежиз айтилмаган-да. Акс ҳолда, кўплар носвой ё тамаки чекишни аллақачон ташлаб юборган бўларди. Навоийлик бир танишим ана шунга ўхшаш ёмон одатдан қутулолмай ҳалак. Тўғри, у киши носвой чекмайди, нодавлат тилда гапиришни хуш кўради, холос. Аксарият мажлисларни, йиғилишларни рус тилида олиб боради. Бу унга эҳтимол бийронлик, раҳбарга хос улуғлик бахш этар. Аммо ундан нега бундай қиласиз, деб сўрасангиз ўзидаги қусурни тан олиб:

— Баъзан бош ғовлаб, калла ишламай қолади. Шунда русча гапирганимни сезмай қоламан, — дейди.

Ана холос, дейман. Она тилимизга Давлат мақоми берилганига саккиз йил бўляпти, ахир. Мамлакатимизда яшовчи бошқа миллат вакилларини ҳам расмий тилда сўзлашга, ҳужжатларни давлат тилида юритишга даъват этяпмиз-у, ўз юртимиз фарзандлари шундай деб турса, додимизни кимга айтамиз? Балки Навоий шаҳрида русийзабон одамлар кўп, шу боисдан ҳам ҳалиги жойда ўзга тил устунлик қилаётгандир? Кошки эди шундай бўлса, танишимни бунчалик достон қилиб ўтирмаслар эди. У раҳбарлик қилаётган жамоада атиги битта русийзабон ходим ишлайди...

Ҳолбуки, у ҳам давлат тилида сўзлаш ва иш юритишни баҳоли қудрат ўрганиб олган. Шундай экан, ўша таниш банкирни нодавлат тилда иш юритишга нима мажбур этяпти? Шунда беихтиёр ҳалиги жавобни эслайсизу, саволга ҳожат қолмаганини пайқайсиз...

Навоий вилоятидаги «Ўзсаноатқурилишбанки», «Савдогарбанк», Миллий банк ва бошқа банклар бўлимларида Давлат тили тўғрисидаги Қонун суст бажариляпти, десам томдан тараша тушгандай бўлмас. Чунки ҳужжатларнинг кўп қисми ҳамон рус тилида тўлгизиляпти, бу эса ҳаққоний равишда мижозларнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда. Аммо адолат юзасидан айтиш керакки, ҳужжатларнинг норасмий тилда юритилишига марказдан келаётган хатлар оқими сабаб бўлаётир. Марказий банк Навоий вилоят бош бошқармасига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан шу йил апрель ойигача 274 та хат келган бўлса, шундан 77 таси рус тилида ёзилган. Катта арава қаердан юрса, кичиги ҳам ўша йўлдан юради деганларидай шу даврда «Ўзсаноатқурилишбанки»дан 12 та, «Савдогарбанк»дан 6 та, Миллий банкдан 5 та, «Тадбиркорбанк»дан 7 та хат рус тилида битилган ҳолда келди.

Пойтахтдан рус тилида ёзилган буйруқлар, фармойишлар, йўриқномаю кўрсатмалар ёмғирдай ёғилиб турса вилоят ва тумандагилар нима қилишсин? Балиқ бошидан чирийди, деганлари шу эмасмикин? Ваҳоланки, Марказий банк бошқаруви раиси Файзулла Муллажонов ва Давлат тилини жорий этиш масалалари ҳамда таржималар бошқармаси бошлиғи Қудрат Мусаев банк тизимида Давлат тилини 96 фоиз жорий этганмиз, дея ҳавойи рақамга маҳлиё бўлиб юришибди. Раис жанобларининг биринчи ўринбосари М. Нурмуродов, ўринбосари А. Эрдонаев ва айрим департамент бошлиқлари эса ўз раҳбарининг кўзини шамғалат қилишиб, русча тайёрланган ҳужжатларга гажакдор имзо чекишиб, жойларга тўхтовсиз жўнатишяпти. Бунга мисол тариқасида Марказий банкдан шу йил 20 январда жўнатилган 1708/32 рақамли, 19 февралдаги 24/2-БТ рақамли хатларни кўрсатиш мумкин. Бу хатлар матни русча тайёрлангани сабабли эҳтимол Марказий банк девонхонасида қайд ҳам этилмагандир. Лекин улар Марказий банк Тошкент вилоят бош бошқармаси ва «Ғалла банк» девонхонасида аниқ-тиниқ рўйхатга олинган.

Мана шунақа гаплар. Фикримизни янада чуқурлаштириш учун яна бир суҳбатни келтираман. Марказий банк Тошкент вилоят бошқармасида бўлганимизда Қудрат Мусаев шундай савол билан мурожаат этганди.

— Қачон Давлат тилига тўлиқ ўтасизлар?

Жавоб жуда тез ва аниқ айтилди.

— Аввал ўзинглар ўтинглар-да, кейин бизлардан талаб қилинглар...

Бу эътирозга қўшилмасликнинг иложи борми?

Норбобо ШАКАРОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Партия ҳаёти

АНДИЖОНДА КЎРГАЗМА — СЕМИНАР

Андижонда Ўзбекистон ХДП вилоят ташкилотларининг партиявий — сиёсий, мафкуравий ишлар таянч нуқталари — «Маърифат» марказлари иш тажрибасини ўрганишга бағишланган республика кўргазма — семинари ўтказилди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашлари котиблари, «Ўзбекистон овози» газетаси масъул ходимлари иштирок этдилар.

Анжуман кун тартибидаги масала юзасидан: Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов маъруза қилди; Андижон вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Юсупов сўзга чиқди; Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби Р. Мухторов ахборот берди. Шундан сўнг семинар иштирокчилари Андижон шаҳар «Бирлик» маҳалла ҳудудий партия ташкилоти, Бобур номли Андижон ипгазлама ҳиссадорлик бирлашмаси, Шаҳрихон туманидаги «Шаҳрихон» жамоа хўжалиги, Шаҳрихон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошланғич партия ташкилотлари ҳузуридаги «Маърифат», шунингдек, Асака шаҳар «Маънавият ва маърифат» марказларида бўлиб, уларнинг ибратли ишлари билан танишдилар, ўзаро тажриба алмащдилар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ажойиб намунаси бўлган «ЎзДЭУавто» корхонасига ташриф ҳамда миллий қадриятларимизнинг тикланишининг ёрқин мисоли — «Боғи Бобур»ни зиёрат қилиш уларда катта таассурот қолдирди.

Анжуманда вилоят ҳокими ўринбосари Н. Саидов иштирок этди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



АСРЛАРНИ КЎРГАН ШАҲАРЛАР

Қадимий шаҳарларимиз — Бухоро ва Хеванинг 2500 йиллик юбилейига жуда оз вақт қолди. Юбилейга атаб республикамиз ноширлари ва матбаачилари ҳам муносиб совғалар тайёрлашмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг байрам ва юбилей тантаналарини ўтказиш дирекцияси билан келишилган ҳолда мазкур санага бағишлаб 1997 йил июнь ойида Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида ўтадиган тадбирларга қизғин тайёргарлик бормоқда. Қисқа вақт ичида ноширлар Бухоро ва Хева плакатлари, буклетлари, «Бухоро — 2500» ҳамда «Хева — 2500» открткалар тўпламини ўзбек, инглиз, француз, рус тилларида босмадан чиқардилар. Унда юбилей рамзлари ва қадимий шаҳарларнинг меъморий ёдгорликлари ўрин олган. Шунингдек, Ўзбекистон санъат усталарининг концерт дастури, рассомлар кўргазмаси ва бошқа тадбирларга таклифномалар француз тилида тайёрланди. Яқин кунларда «Бухоро» рангли фотоальбоми ҳам дунё юзини кўради. Альбомга 500 дан зиёд рангли ва оқ-қора фотосуратлар киритилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу нашрлар жаҳон андозаларига жавоб берадиган Ўзбекистон-Буюк Британия «РАСТР» қўшма корхонаси босмахонасида сифатли чоп этилди. Уларни тайёрлашда О. Соибназаров, А. Бобров, Б. Хайбуллин (рассомлар), С. Абдукаримов, А. Зайцева, Т. Лю (ноширлар): Қ. Мадиёров, Р. Абдуллаев, А. Мирзаев, З. Низомов (матбаачилар) лардан иборат ижодий гуруҳнинг хизмати катта бўлди.

Юбилей нашрлари Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» ҳамда Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётларида босмадан чиқди.

Б. АҲТАМЗОДА.

* * *

СУРАТЛАРДА: 1. Юбилей плакатлари. 2. (чапдан ўнгга) «Растр» қўшма корхонаси бош директор Рўзмат Сафоев, бош директори ўринбосари Обид Сойибназаров, «Ўзбекистон» нашриёти бош муҳаррири Бахтиёр Омонов, қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Қурбонгали Мадиёров тайёр маҳсулотларни кўздан кечиришмоқда.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Истиқлол ва истиқбол

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, «Ўзсувқурилиш» давлат концернининг қуйи ташкилотларида бозор механизмини татбиқ этиш, кўп босқичли иқтисодни шакллантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш ҳажмини кўпайтириш бўйича қатор ишлар қилинди.

Давлат концернининг асосий йўналиши — ерларга сув чиқариш ва янги ерларни ўзлаштириш, эски суғориладиган ерларни қайта қуришдан иборат бўлсада, бу билан чегараланиб қолаётганимиз йўқ. Биз ўтиш даври қийинчиликларини енгиб, концерннинг қуйи ташкилотлари муҳим иншоотларда, республика халқ хўжалиги мажмуида катта аҳамиятга эга участкаларни қуришда қатнашдик. Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи, Қунғирот сода заводи, Талимаржон ГЭСи, Навоий фосфорит заводи, Тошкент-Ўш автойўлини қайта қуришда, шунингдек, республика ҳукуматининг назоратидаги қатор объектларда улар меҳнат қилишмоқда.

Ўтган йили «Кобул — Тўйтепа — Текстайлз» қўшма корхонаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Унда ҳам «Ўзсувқурилиш» давлат концернининг кўпгина ташкилотлари қатнашди.

Андижон сув қурилиши трестининг қуйи ташкилотлари эса Асака шаҳридаги «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш майдонини ишга туширишни таъминлади. Пойтахт сув қурилиш трестининг республика биржа марказини қуриб, ишга туширгани ҳам таҳсинга лойиқ бўлди.

«Ўзсувқурилиш» давлат концернининг қурилиш ташкилотлари Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз ва Самарқанд шаҳарларидаги юбилей иншоотларини қуриш ва қайта тиклаш ишларида ўзларининг катта ҳиссаларини қўшди.

Ҳозирда бунёдкорларимиз Тошкент шаҳридаги янги ҳайвонот боғи, «Чорсу» спорт-соғломлаштириш мажмуининг қурилишида бир қатор йирик ишларни бажармоқдалар. Қурувчилар 11538 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришди.

Бултур «Ўзсувқурилиш» давлат концерни ташкилотлари ва корхоналари 139 млн. сўмлик халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарганди. Концерннинг 124 та ташкилот ва корхоналари хусусийлаштирилди. Улардан 104 таси ҳиссадорлик жамиятларига, қолганлари мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилди.

Қурилиш материаллари, ёнилғи-мойлаш, эҳтиёт қисмларнинг етишмаслигига, буюртмачиларни

СУВ ҚУРИЛИШИ БИЛАН ЧЕГАРАЛАНМАЙМИЗ

бажарган қурилиш-монтаж ишларга ўз вақтида пулларни тўламаслигига қарамасдан асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бажарилди. 1996 йилда 13424 гектар янги ерлар ирригация-мелиоратив томондан тайёрланиб, фойдаланишга топширилди. 21336 гектар илгари суғориладиган ер қайта тикланди.

Қашқадарё, Хоразм, Наманган ва Навоий вилоятларида жами 6280 гектар ер ўзлаштирилди.

Суғориладиган ерларнинг ҳажми қайта тиклаш ҳисобига Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Бухоро, Навоий, Андижон, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятиларида ошди.

Асосий эътибор вегетация даврига, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларни яхшилаш, шунингдек, ерларни баҳорги-кузги дала ишларига тайёрлашга қаратилди. Ишлар вилоятлардаги ҳар бир хўжалик билан келишилган ҳолда амалга оширилди. Йирик сув хўжалиги объектлари ва гидротехник иншоотларни қуриш борасида ҳам кенг кўламли ишлар бажарилди.

Яқинда Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги Қоровулбозор даҳасидаги ерларни сув билан таъминлайдиган «Дўстлик» насос станцияси фойдаланишга топширилди.

Давлат концерни янги ерларни ўзлаштириш билан бирга йирик сув хўжалиги иншоотларини қуришни давом эттиряпти. Тўпалон, Сўх ва Оқчобсой сув омборлари, Ховос туманидаги насос станцияси, Сирдарё вилоятидаги марказий Мирзачўл коллектори, Жиззах вилоятидаги бош каналлар тизимини ривожлантириш ва йирик насос станцияси қурилиши давом этди. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги катта-катта коллектор тармоқлари қурилиши шулар жумласидандир. Ҳозирда Оролбўйида экологик турмуш шароитини яхшилаш борасида қатор ишлар олиб бориляпти.

Муҳим масалалардан яна бири, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача қишлоқ инфраструктурасини ижтимоий тараққий эттириш дастури» тўғрисидаги қарор кўрсатмаларини бажаришдан иборатдир. Бу борадаги режалар аниқ.

Бултур 197 км. сув, 234 км. газ қувурлари, 7418 ўринли мактаб, 850 ўринли шифохона (қишлоқ шифокор пунктлари) — 17 та болалар боғчалари қуриб, фойдаланишга топширилди.

Жорий йилда концерн меҳнат жамоаси олдида катта ва муҳим вазифалар турибди. Буюртмачилар билан дастлабки тузилган шартномаларга қараганда 15 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлар ҳажми белгиланди. Унга асосан 75 минг кв. метр уй-жой, 12,8 минг ўринли мактаб, 265 ўринли касалхона, 20 та қишлоқ шифокор пунктлари, 301 км. сув қувурлари, 128 км. газ қувурлари қурилади. Концерн қурилиш ташкилотлари учун бош кўрсаткич ҳисобланган 15 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилади. 25 минг гектар суғориладиган ерлар қайта тикланади.

Рўзимбой ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ўзсувқурилиш» давлат концерни раиси.

МОЛИЯ-БАНК СОҲАСИДА ЯНГИ ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ислоҳотлар молия-банк тизимини, аввало, шу соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг касбий малакасини тубдан ўзгартиришни талаб қилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, ислоҳотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, кадрларнинг билим даражасига боғлиқ.

Бугунги кунда, республикамиз банк-молия тизимига мутахассислар тайёрлаб берувчи қатор олий ва ўрта махсус ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда. Аммо, бу ўқув юртларида талабаларнинг етарли даражада билим олишлари учун зарур ўқув қўлланмалари, адабиётлар мавжудми? Афсуски, бу саволга тайинли жавоб бериш қийин.

Тан олиш керакки, ҳозирги пайтда банк, молия, суғурта соҳалари бўйича талаб даражасида ўзбек тилида ёзилган ўқув қўлланмалари, адабиётлар деярли йўқ. Шубҳасиз, бу ҳолат миллий кадрларни тайёрлашда салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳамон, бу масала республикамизнинг тегишли олий ўқув юртлари учун долзарб муаммолардан бири бўлиб қолаётир.

Сўнгги пайтда, мамлакатимизнинг молия-банк соҳасидаги етакчи олимлари мазкур соҳа учун ўзбек тилида ўқув қўлланмалари, луғат яратишга бел боғладилар. Бунинг дебочаси ўлароқ, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари туфайли «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти иқтисод фанлари докторлари, профессорлар О. Олимжонов, Т. Маликов ва Т. Қоралиевларнинг «Замонавий молия — банк атама ва ибораларининг инглизча-русча-ўзбекча эквивалент луғати» номли китобини босмадан чиқарди. Шуни қайд этиш керакки, ушбу китоб молия ва банк соҳаси атамаларини ёритишга бағишланган илк асардир.

Сўзсиз, бу китоб ўзбек молия — банк муассасаларини халқаро молия бозорларига дадил кириб бораётган, айни бир пайтда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, унда жаҳон банк-молия тизимида қўлланиладиган асосий атама, тушунчалар ўз аксини топган. Луғатдаги атамалар алфавит тартибида берилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу жиҳат, китобдаги керакли тушунчаларни тез топиш имкониятини беради. Луғатда нафақат, молия-банк тизимига оид тушунча ва ибораларни, балки, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига тааллуқли атамаларни ҳам учратиш мумкин. Бу, ўз навбатида, китобхонлар сафини кенгайтириши шубҳасиздир.

Луғат билан яқиндан танишиб чиқиш, бизда, баъзи фикр-мулоҳазаларни билдиришга имконият яратди. Хусусан, муаллифлар луғатни тузиш жараёнида, халқаро молия-банк муносабатларида кенг ишлатиладиган бир қатор атама ва ибораларни инглиз тилидан рус ҳамда ўзбек тилларига таржима қилишда, мазкур атамаларни ўзгаришсиз қолдирганлар. Бу хусусият луғатни ўзлаштиришда китобхонлар учун анча қулайлик туғдиради. Чунки, мазкур атамалар дунёнинг аксарият мамлакатларида бир хил шаклда ва мазмунда ишлатилади. Шу нуқтаи-назардан, ушбу атамаларнинг ўзбек тилига ҳам кириб келиши тилимизни бойитишга хизмат қилади, холос. Бундан ташқари, луғатдаги айрим хорижий ибораларнинг ўзбек тилига сўзма-сўз эмас, балки, луғавий маъносига қараб таржима қилинганлиги ҳам ўз навбатида, китобхонлар учун ноқулайлик туғдиради. Шу сабабдан, ушбу луғатнинг ўзбекча-русча ва инглизча-ўзбекча эквивалент луғатлар ҳам ўз ўрнини топиши лозим.

Ҳўжаёр ШЕННАЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

Жувон шарақлаб кулди. Қоши, елкаларини учириб икки кўзи ожиз йигитга суркалди.

— Тожи акажон, ишларим юришмади. Берган саккиз мингингизга урвоқ бўлмади.

— Билмайман, бир ой муҳлатда 11 минг қилиб қайтаришинг шарт, — дўриллади қори. — Бунақада мани хонавайрон қиласан-а!

— Акажон, Хайри опа қурғур тикув машинамни берганида борми, сотсам ошиғим олчи бўлармиди?

Жувон қорининг елкаларини уқалай бошлади. Юзига кафтини қўйиб:

— Бунчаям ёқимтой бўлмасангиз, — дея ҳирингади.

Қори жим. Бироздан сўнг ийиб тушди. Жувоннинг енгидан ушлаб тортди ва қучоғига олди.

— Хайри опанг билан ўзим гаплашаман, — деди апил-тапил кийиниб. — Ҳали Тожининг хўрозлигини кўрмабди улар.

Бу гаплар жувонга мойдек ёқди. Аммо унинг дили баттар хижил тортди. «Хайри опа» тўқиб чиқилган гап эди. Кўр ростанам бораманга тушиб қолса, жувоннинг хонумони куяди. Тўқайга ўт тушмай тинчитиши керак.

— Тожи ака, мен бир сўраб кўрай-чи, кунмаса ўзидан кўрсин, —деб қолди.

— Яхши. Кутаман, — рози бўлди Тожи.

Жувон кўчага чиқди-ю мактаб тараф югурди. У ерда никоҳсиз эри Рустам Очилов қоровул бўлиб ишларди.

— Ҳа, Гулбаҳор, намунча ҳансирайсан, — деди мактаб ҳовлисида унга пешвоз чиққан Рустам. Ёнида ўртоғи Абдулла Бобоқулов ҳам бор эди.

— Анови кўрнинг зардаси кўкайимни кесди, — деди Гулбаҳор йиғламсираб. — Қарзимни бер деб қистаяпти. Чўнтагимда бир мири бўлмаса. Иқиртнинг ўзи ўлгудай бой. Ҳар куни бузуқларни қўшиб пул топади.

— Пули шунчалик кўпми? — ҳайратланиб сўради Абдулла.

— Одам боласини писанд қилмайди. Чўнтагидан боғлам-боғлам пулларни кўрсатганига ўлайми? Кўкидан ҳам йўқ эмас.

Рустамнинг кўзи ўйнади. Абдуллага бақрайиб тикилди. Гулбаҳорнинг ғаши келдими:

— Шунақа Рустам ака, — деди у. — Қоровулликни қоқи пули билан ашулангизни айтиб юраверинг.

Рустам ўйланиб қолди. Абдулла унга:

— Шу ўйлагудай масалами? —деди аччиғи чиқди. — Тинчитамиз. Шу кўр итни йўқлагудай одами борми? Ота-онаси билан ит-у мушук.

Рустамнинг дили ёришди. Улар икки кундан сўнг Тожини мактабга олиб келиб гумдон қилиш режасини туздилар. Орадан икки кун ўтгач, Гулбаҳор Бабишова (эрининг фамилиясида) Тожини уйига арзи-ҳол қилиб борди. Хайри опани ердан олиб, ерга уриб роса ёзғирди. Тожининг асабдан пешонаси ялтиради. Беихтиёр Гулбаҳорнинг измидан эргашди. Улар мактабга етиб келишди. Рустам аста олдинга тушиб ўқитувчилар хонасига ўтди. Гулбаҳор Тожини етаклаб у ўтган хонага киришди. Рустам Абдуллани айтиб келишини Гулбаҳорга билдирди. Гулбаҳор Тожини тинчитди.

— Рустам, хонанг куйгур Хайри опани тез айтиб келинг, — деди у сузилиб. —Савдомни белига тепти-я, ёлчимагур.

— Бировнинг ҳақидан қўрқмасканда бу Хайри опанг, — тилга келди Тожи. — Топганинг буюрмагур, бугун нақд қилмасин-чи?

Рустам Очилов ҳамтовоғи Абдулла Бобоқуловни роса қидириб, топди. Иккаласи изга бурилиб елдай учди. Улар ҳе йўқ, бе йўқ хонага бостириб киришиб ожиз Тожи Алиқуловга чанг солишди. Абдулла шимининг қайишини олиб унинг бўйнига солди. Сўнг йиқитишди. Улар Тожини ўлдиргандан сўнг уни чўнтагидан чиққан 17600 сўмни ўзаро бўлиб олишди.

Эртаси куни Гулбаҳор Бабишова Тожи Алиқуловнинг хонасига борди. Уйда Дилфуза Даминова ўтирган экан. У бундан: «Кеча кечқурун Алиқулов қайтиб келмаганлигини, бозордан келса эшик танбаланганлиги учун балкондан ошиб кирганлигини айтиб дийдиё қилди. Шу пайт милиция ходимлари келиб қолишади. Уларни бўлимга олиб кетиб, Тожини сўрашади. Гулбаҳор воқеани ипидан-игнасигача айтиб беради.

Тожи Алиқулов ким? Гарчи икки кўзи ожиз бўлса-да бетайин, қўшмачи ва судхўрдир. У уйида фоҳишаларни сақлаб кўшмачиликдан орттирган пулларни фоиз ҳисобига мижозларга улашади. Уям анойи эмас, ҳар бир мижознинг тилхати бор. Қайси муддатда тўлашгача муҳлат вақти ҳам ёзилади. Жумладан, Ҳолмамат Очилов 10000, акаси 6100 сўм олиб, фоизи билан қарзни муддатида узишган. Дилфуза Даминова 23600 сўм қарз кўтаради. Қарангки, у қарзини вақтида узолмайди. Тожи унга шарт қўяди. Яъни у қўшган эркаклар билан рози ҳолда пул ишлайди. Шу тариқа қарзларини узиб боради. Тожи қурғур зериккан пайтлари ўзи ҳам у билан донлашарди. Шу-шу Дилфуза Тожиникида муқим яшаб қолади.

Қотиллик воқеаси Шаҳрисабз шаҳридаги Нодира номли мактабнинг ўқитувчилар хонасида рўй берганди. Эртаси куни эса шаҳар ички ишлар бўлими ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан жиноят фош этилади. Тезкор гуруҳга бўлим бошлиғи, милиция майори Муфтилла Ражабовнинг ўзи бошчилик қилди. Жасад каналдан топилди. Ашёлар ҳам қотилларнинг кўргазмаси орқали қўлга киритилди. Шаҳар прокуратураси терговчиси Исмоиловнинг синчков нигоҳи ҳар бир ашёни кўздан қочирмади. Қарангки, Рустам Очилов ва Абдулла Бобоқуловлар муқаддам ўғрилик жиноятини содир этишган экан. Қўрқоқ олдин мушт кўтаради, деганларидек Тожи Алиқулов ҳам ўз ўлан тўшагини ҳаром-ҳаришга алмаштирди. Гулбаҳор Бабишева туркманистонлик Марат исмли йигит билан турмуш қуриб икки нафар фарзанднинг онаси бўлади. Аммо суюқоёқлиқ уни ўз фарзандларию эридан айри тушишига сабаб бўлади. Никоҳ бекор қилинмай туриб Рустам Очилов билан ноқонуний эр-хотин бўлиб юришади.

Вилоят судининг судьяси К.Орипов раислигида ўтган суд ҳукми билан Рустам Очилов ва Абдулла Бобоқулов 20 йил, Гулбаҳор Бабишева 15 йил озодликдан маҳрум қилинди.

СУДХЎРНИНГ ЎЛИМИ

Ўроз ҲАЙДАРОВ.
Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи катта нозири, милиция капитани.

Хатлар
Хатлар
Хатлар

ТАШАККУР

Ҳурматли таҳририят! Менинг онам икки ёшимда, турмуш ўртоғимнинг онаси 5 ёшида вафот этиб кетган. Биз икки ёш ахду паймон қилиб 19-22 ёшимизда турмуш қурдик. Менинг ўгай онам сиғиштирмай сиқувга олди. Отам пенсияда. Турмушимиз ниҳоятда оғирлашди. Хўжалик раҳбарларига, фуқаролар йиғинига, туман раҳбарларига учрашдик, лекин фойда бўлмади. Мактаб ўқитувчилари менга, сен Халқ демократик партияси туман кенгашига бориб учраш, деди. Э. Аҳадов қабулига кирдим ва аҳволни тушунтириб, ёрдам қилмаса, уйимиз бузилиб кетишини айтдим. Хўжаликдан уй топиб беришди. Керакли озиқ-овқат маҳсулотлари: ун, ёғ, гуруч олиб келиб беришди.

Турмуш ўртоғим кўз ёриб, болалик бўлдик. Мен яна ХДП туман раҳбариятига кириб, эмизикли турмуш ўртоғимга ёрдам қилиш ва биринчи фарзандимга исм қўйиб беришни илтимос қилдим. Улар ўғлимга Исломжон деб исм қўйишни маслаҳат беришди. Оиламга моддий ёрдам кўрсатишди. Сизлардан илтимос, партиямизга оилавий ташаккуримизни газетангизда ёритсангиз.

Зокир АННАҚУЛОВ,
Пайариқ тумани Деҳқонобод қишлоғи.

НАВОИЙ БОҒИДА НАВО ТАРАЛСА...

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда келин-куёвлар, узоқ-яқиндан саёҳатга келганларнинг кети узилмайди. Боғ файзи ортиб, халқимизнинг дилтортар сайлгоҳига айланди. Миллий боғимиз ҳақиқий фахримиз бўлиб қолди!

Таклифим шуки, бу ерда дам олиб, сайр этаётганлар учун шундай гўзал боғда ҳазрат Навоий ғазалларига басталанган куй-қўшиқлар янграб турса. Ахир, бу ерга чет эллик меҳмонлар ҳам ташриф буюриб, буюк бобокалонимиз-шеърият султони ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиб, таъзим бажо айламоқдалар. Куй-қўшиқлар боғ файзига янада файз қўшган бўларди.

Шарофат ТОШХЎЖАЕВА,
кўп болали она.

ҚЎШРАБОТЛИК ҚАРИЯЛАР

Жойларда «Нуроний» жамғармалари ўз фаолиятини бошлади. Ана шу жамғармаларнинг бир шаҳобчаси Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманидадир.

Жамғарма раиси Абдуҳошим Сайфуллаев кичик корхоналар очиш керак, деган фикрга келди. Шу тариқа оз эмас, кўп эмас 7 та кичик корхона вужудга келди. Уларнинг энг олди «Ҳамроз»дир.

«Қўшработ» ижара хўжалиги ҳудудида нуронийлар боғи ҳам ташкил этилди. 20 гектар ерга мевали дарахт ниҳоллари экилди.

«Нуроний» жамғармасининг Қўшработ бўлимида яна бир анъана бор. Оталар ўз фарзандларига нафақат моддий бойликлар, балки маънавиятга дахлдор қадриятларни мерос қолдирадилар. Қувкалла қишлоғида истиқомат қилувчи отахон Ҳамро Қорақулов 70-мактабни битириб чиққан собиқ ўқувчиларга маслаҳат бериб, мактабга ёдгорлик лавҳаси ўрнатди. Масжид ободонлаштирилди, фельдшерлик пункти қуриб битказишни ўқувчилар ўз зиммаларига олишди.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА.

ТИЛГА ҲУРМАТ—ЭЛГА ҲУРМАТ, УНУТМАНГ

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1995 йил 8 июнь сонида алоқа бўлимларимиз ҳамон собиқ иттифоқ давридан қолган почта штемпелларини ишлатиб келаётганлари ҳақида фикр билдирган эдим. Ҳозир бу йўналишда аҳвол ижобий томонга ўзгарганини кўриб турибман...

Аммо ҳолва деган билан ҳали оғиз чучимас экан. Почтадан менга қалам ҳақи келиб қолди. Бу ҳужжат ўзбек тилида тайёрланибди. Хурсанд бўлдим. Бироқ унда «—сўм-тийинлик почта орқали пул ўтказмаси», унинг остида эса «талон» деб ёзилгани менга маъқул эмасдек кўринди. Бундан ташқари, ҳужжатнинг остига «Типография средаз. жел. дор.» сўзлари ёзиб қўйилган?

Иккинчиси-яқинда телевидение орқали Наманган вилоятида «Давлат тили тўғрисида Қонун»нинг қандай бажарилаётгани ҳақидаги хабарда почта ва телеграф жўнатмалари рус тилида амалга оширилаётгани танқид қилинди. Собиқ иттифоқ давридан қолган бланкалар экранда кўрсатилди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳужжатларни давлат тилига ўгиришда юқоридаги каби камчиликларга йўл қўймаслик учун ҳужжатлар намунасини ишлаб чиқиш чоғида ўзбек тилини мукаммал биладиган тилшунос олимлар ёрдамидан албатта фойдаланиш лозим. Тилга эътибор-элга эътибор-да!

Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ,
ҳуқуқшунос.

«Хатлар, хатлар, хатлар» рукни материалларини Ҳамид ИКРОМОВ саралади.

Сиёсий иқлим

Буюк Британия Ташқи ишлар вазири Дерек Фэтчетт журналистлар билан суҳбатда Исроил ҳукуматининг Фаластин мухториятига қарашли ҳудудларда яҳудийлар учун янги турар жойлар қуриш ҳақидаги режаларини ўзгартирмаётгани Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнига салбий таъсир кўрсатади, деб фикр билдирди.

* * *

АҚШ Президенти Билл Клинтон расмий ташриф билан Нидерланияда бўлди. Бу ерда Б. Клинтон «Маршалл плани»га 50 йил тўлиши муносабати билан ўтказилаётган АҚШ — Европа Иттифоқи саммитида иштирок этди.

* * *

Филиппин парламенти мамлакат Президенти ва ҳукумат аъзоларини Хитой денгизи жанубидаги ороллар АҚШ ҳарбий базасини қуриш учун розилик беришга даъват қилди. Маълумки, мазкур ороллар ҳозирги сиёсий мавқеи ва ҳудудий тобелиги ХХР билан Филиппин ўртасида турли баҳслар пайдо бўлишига сабаб бўлаётир.

* * *

АҚШ ҳукумати Сьерра-Леонеда ҳарбий тўнтариш рўй бергани туфайли, бу ердаги Америка фуқароларини кўчиришга қарор қилди. АҚШ давлат департаменти вакили Жон Дингрнинг маълум қилишича, Сьерра-Леонадан америкаликларни олиб чиқиш учун бу ерга «Кирсэрж» номли йирик десантчилар кемаси юборилган.

Биринчи июлдан бошлаб Тайвань ҳукумати мамлакат компаниялари Хитой иқтисодиётига йирик сармоялар киритишни тақиқлайди, дея маълумот беради «Ассошиэйтед Пресс». Хитойнинг куч ишлатиш йўли билан оролни қўшиб олишга уриниши туфайли шундай чора қўлланилади. Тайвань иқтисодиёт вазири Ван Чин Каннинг сўзларига қараганда, бундай қарорга келиниши мамлакат миллий хавфсизлигини кафолатлайди...

* * *

Британия Жиноятчиликка қарши кураш миллий хизмати мамлакат ҳукуматига «Интернет» ахборот тизимидан жиноий мақсадларда фойдаланишга қарши кураш билан шуғулланувчи махсус полиция қисмини тузишни тавсия этди, дея ёзади «Дейли Телеграф» газетаси. Тадқиқотларга кўра, ахборотлар ва телекоммуникациядан жиноий мақсадларда фойдаланиш тобора кўпаяётгани шундай қарорга келишга сабаб бўлган.

* * *

«Боруссия» футбол клубининг ишқибозлари ўйинлардан бирида жамоа ўйинчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Мюньхендаги католик черковларини ишғол этдилар. ДПА агентлигининг маълум қилишича, ишқибозлар ҳал қилувчи ўйинда жамоага омад тилаш мақсадида черковларга бостириб кирганлар. Агентлик яна шуни маълум қиладики, футбол ишқибозларининг хуружи шу пайтгача диний муассасаларни четлаб ўтган. Германия ҳукумати бундан кейин шунга ўхшаш оммавий татибсизликлар келиб чиқмаслиги учун бир қатор кескин чоралар кўришни мўлжалламоқда.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

ҚОНУНМИ... ЁКИ СПИРТЛИ ИЧИМЛИК?

Японияда 20 ёшга етмаган фуқаролар учун чекиш ва спиртли ичимликлар истеъмол қилиш қонун томонидан тақиқланган. Шу боис, мамлакат Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлиги ўтказган сўров натижалари кўпчиликни ҳайрон қолдирди. Чунки, япон мактабларидаги ўқувчиларнинг тўртдан бир қисми мазкур қонунга риоя қилмас экан. Бундан ташқари, сўров давомида 20 ёшга етмаганларнинг 80 фоизи пиво ёки вискидан татиб кўрганини, юқори синфларда ўқувчи ўғил болаларнинг учдан бир қисми, қиз болаларнинг тўртдан бир қисми эса ойига икки-уч маротаба сархуш қилувчи ичимликлардан истеъмол қилиб туришини айтган.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

НАТО ВА РОССИЯ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ЯНГИ БОСҚИЧ

Шу йилнинг 27 майи куни Франция пойтахти Парижда Европада «совуқ уруш» даври тугагандан кейинги муҳим бир воқеа юз берди: НАТО ва Россия ўртасида ўзаро муносабатлар асосини ташкил этувчи ҳужжат имзоланди. Уни Россия Президенти Борис Ельцин, НАТО Бош котиби Хавьер Солана ва Шимолий Атлантика блокига аъзо бўлган 16 давлат раҳбарлари имзоладилар.

Маълумки, собиқ СССР инқирозга юз тутгач, Европадаги йирик ҳарбий блок — Варшава Шартномаси давлатлари блоки ҳам тугатилди. Натижада НАТО жаҳондаги ягона йирик ҳарбий альянс бўлиб қолди. Хабарингиз бор, Шимолий Атлантика блоки ўз таркибига Шарқий Европадаги бир қатор мамлакатларни аъзо қилиб олиш масаласини шу йил июлда Мадридда ўтказиладиган ўз учрашувида кўриб чиқади.

Собиқ Иттифоқ вориси бўлган Россия аввал бошданоқ НАТОнинг Шарққа томон кенгайишига қарши эди. Россиянинг ўз хавфсизлиги масаласидан келиб чиққан ҳолда альянсга бундай муносабатини тушуниш мумкин. Хуллас, Мадридда ўтказиладиган НАТОга аъзо мамлакатлар учрашувига қадар Россия — НАТО муносабатларини аниқлаштириб олиш зарур эди. Шундай бўлди ҳам.

Бироқ, шуни таъкидлаш зарурки, бунгача бўлган жараён осон кечмади. Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков билан НАТО Бош котиби Хавьер Солана ўртасида, Россия ва АҚШ ташқи ишлар дипломатияси доирасида бир қанча мунозарали ва жиддий учрашувлар, музокаралар бўлиб ўтди. Ҳар икки томон ўз манфаатлари нуқтаи-назаридан имкониятларни бой бергиси йўқ эди. Музокаралар жараёнида шундай бир ҳолатлар ҳам бўладики, бунда томонларни қаноатлантирувчи келишувга эришиб бўлмасдек туюлганди. Йўқ, ҳартугул, Москвадаги охирги учрашувда Хавьер Солана билан Евгений Примаков вазиятни ижобий томонга бурувчи муносиб йўлни топишди. Бинобарин, Россия ва НАТО муносабатлари асоси ҳақидаги ҳужжатнинг сўнгги, ҳар икки томонни қониқтирадиган варианти тайёр бўлди. Уни, юқорида айтиб ўтганимиздек, 27 май куни Парижда томонлар давлат бошлиқлари имзоладилар.

Франция пойтахтининг Елисей саройида юз берган бу тантанали маросимда АҚШ Президенти Билл Клинтон ушбу воқеа муносабати билан Борис Ельцинга қизғин миннатдорчилигини билдира туриб, унинг янги жаҳон ва Европа буюк келажагини кўра билганини таъкидлади. Россия Президенти эса ўз навбатида ҳозирги шароитда бирлашган йирик Европани ташкил этиш муҳимлигини, Европа бирлашсагина тинч ва хавфсиз бўлишини айтди. Яна у имзоланган ҳужжат Россия ва НАТО муносабатларида янги босқични белгилаб беришини, жаҳон ва Европани янги қарама-қаршиликлардан асраб қолишини, ушбу келишувнинг ҳар бир иштирокчиси ва барчанинг хавфсизлиги манфаатларини ҳисобга олиб тенг ҳуқуқли ҳамда барқарор шерикликка асос яратилишини таъкидлади. Россия раҳбари шу билан бирга унинг мамлакати илгаригидек НАТОнинг кенгайиш режасига салбий муносабатда бўлишини айтди. Айни чоғда НАТО мамлакатларининг айрим келишмовчиликларга қарамасдан Россия билан келишишга, унинг манфаатларини ҳисобга олиша тайёр эканлигини ҳам эътироф этди.

Энди имзоланган ҳужжат ҳақида гапирадиган бўлсак, у «Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти ва Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорлик ва хавфсизликни, муносабатлар асосини белгиловчи акт» деб юритилади. Ушбу ҳужжат асосини ҳарбий-сиёсий масалаларга бағишланган боб ташкил этади. НАТОнинг альянс янги аъзолари ҳудудида ядро қуролини жойлаштирмаслик бўйича кафолати ҳужжат мазмунида акс этган. НАТО аъзоси бўлган давлатлар янги аъзо бўлган мамлакатлар ҳудудларида ядро қуролини ўрнатиш учун сабаблар қидирмаслик ёки режалар тузмасликни ва буни ният қилмасликларини тасдиқлайдилар.

НАТО, шунингдек, ушбу альянс ҳарбий кучларига қўшимча доимий жойлаштирув ҳисобидан эмас, балки амалдагиси салоҳиятини кучайтириш ва интеграциялаш эвазига ўз коллектив мудофааси ҳамда бошқа вазифаларни амалга оширишни таъминлашини ҳам тасдиқлайди.

Умуман олганда, жаҳон афкор оммаси НАТО ва Россия муносабатлари асоси ҳақидаги ҳужжатнинг имзоланишини маъқуллаб кутиб олди. Буни хориж матбуотида шу кунларда босилаётган шарҳ ва таҳлиллар ҳам исботлаб турибди.

«НАТО ва Россия муносабатлари ўртасидаги уфқлар тозаланяпти» деб «Либерасьон» газетаси ёзса, Парижда чиқадиган «Фигаро» эса «Европа хавфсизлиги янги тизимини қуриш учун зарур бўлган янги босқичга йўл очилди», дея таъкидлайди.

Дарҳақиқат, имзоланган ушбу ҳужжат НАТО ва Россия муносабатлари ўртасида янги босқични белгилаб бериши шубҳасиз. Энди у амалда қандай бўлиши эса сезиларли даражада ҳар икки томоннинг сиёсий хоҳиш-истагига боғлиқдир.

Аслиддин БОЛИЕВ.

Спорт

ОМАДЛАРИ КЕЛСА, АЖАБМАС

Маълумки, МҲСК футболчилари Қуролли Кучлар жаҳон чемпионатининг финал учрашувларида ўйнайдиган бўлиб туришибди. Эронда 21 июлдан 7 августга қадар финал учрашувларини ўтказиш мўлжалланган. Ташланган қурғага кўра футболчиларимиз «А» гуруҳда Сурия, Греция, Украина жамоалари билан куч синашадиган бўлишди. Вакилларимиз 24 июлда Украина, 25 июлда Сурия, 27 июлда Греция жамоалари билан майдонга тушадилар.

МАЙДОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР

Бугун Тошкентдаги «Динамо» теннис ўйингоҳи яна гавжумлашди. Бу ерда хотин-қизлар ўртасида «Челенжер» дастури бўйича профессионалларнинг халқаро мусобақаси бошланади. Анъанавий мусобақада 27 мамлакат вакиллари иштирок этади. Улар орасида АҚШ, Канада Аргентина, Мексика, Португалия, Италия, Греция, Австралиядан келган теннисчилар бор. Анъанавий мусобақани муросасиз баҳсларга бой бўлиши кутилмоқда. Мукофот жамғармаси бу сафар 50 минг АҚШ доллари миқдорида белгиланган. Халқаро мусобақа теннисчи қизларимиз учун маҳорат мактабига айланади: Хусусан, Ирода Тўлаганова, Наталья Никитина, Ирина Ярикова ва Лилия Биктяковаларнинг чиқишларидан умидворамиз.

БИЗ ҚАНЧАМИЗ?

Американинг демографик тадқиқотлар бюроси эълон қилган маълумотларга кўра, 2000 йилга бориб, ер юзида аҳоли сони 6,1 миллиардга етади. 2025 йилда эса бу кўрсаткич 6,8 миллиардни ташкил этади. Айни пайтда сайёрамизда 5,8 миллиард нафар инсон ҳаёт кечирмоқда.

Мазкур бюро ҳисоботида ёзилишича, аҳолининг бу суръатда кўпайиши асосан ривожланаётган мамлакатлардаги аҳоли сонининг тобора ошаётганидандир. Ҳисоб-китобларга қараганда, 2025 йилга бориб ривожланган мамлакатлар аҳолисининг умумий сони деярли ўзгармайди, яъни 1,2 миллиардни ташкил этади. Ривожланаётган мамлакатларда яшовчи жами аҳоли сонининг кўрсаткичи эса, XXI асрнинг биринчи чораги сўнггида 5,6 миллиардга етади.

САМАРҚАНДДА ХАЛҚАРО УЧРАШУВ

Шу кунларда Германия олимпия терма жамоаси футболчилари юртимизда меҳмон бўлиб туришибди. Улар 4 июнда Самарқанднинг «Афросиёб» жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказадилар. 6 июнда эса пойтахт вилоятининг «Дўстлик» клуби меҳмони бўлишади.

ФАХРЛИ ЎРИН

Россиянинг Кстово шаҳрида самбо бўйича жаҳон кубоги учун мусобақалар бўлиб ўтди. Беллашувларда Япония, Англия, Италия, Югославия каби 25 мамлакатдан келган самбочилар ўзаро курашдилар. Қизғин баҳсда юртдошларимиз бешта медалли бўлишди. Умумжамоа ҳисобида 3 ўрин қўлга киритилди. Бу муваффақиятга Акобир Қурбонов биринчи ўрин, Фарҳод Хўжамов билан Алишер Йўлдошев иккинчи ўрин, Шуҳрат Хўжаев билан Маҳмадўст Тошевлар учинчи ўринни эгаллаш билан муносиб ҳисса қўшишди.

АВТОҲАЛОКАТНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

Яқин кунларда Франциянинг «Рено», «Пежо» ва «Ситроен» фирмаларида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар яна бир қулайлиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Гап шундаки, эндиликда ушбу фирмалар автомобилларининг олд чироқларига 6 сантиметр катталикдаги асбоб ўрнатилади. Бу асбоб радиотўлқин ёрдамида 150 метр олдиндаги тўсиқлар, йўлдаги чуқурликлар, қаршидан келаётган автомобиллар, уларнинг йўналиши ва ҳатто тезлиги ҳақида ҳайдовчига «ахборот» бериб туради.

Қизиғи шундаки, ҳайдовчи бу асбобга «буйруқ» бериб ўтирмайди, автомобилни ўт олдиришдан олдин мазкур қурилмага ўзи хоҳлаган тезлик ҳақида «хабар» берса бас ҳаракат давомида тезликни қурилманинг ўзи бошқаради, яъни агар рўпарада хавфли ёки шубҳали объектни сезса, дарҳол моторга «буйруқ» кетади ва тезлик автомотик равишда пасаяди; хавфли объектдан ўтгач эса двигатель яна аввалгидек тезликни оширади.

«Антиҳалокат» қурилмасини серияли ишлаб чиқиш шу йилдан амалга оширилади.

ҲАФТАЛИК

ДУШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Хафтанома».
*
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Вобкентлик хонанда».
9.00 «Замин фидойилари». Тележурнал.
9.30 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Шоҳсанам». Хоразм Давлат қўғирчоқ театрининг спектакли.
10.55 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади».
11.20 «Истиқлол чашмалари». Фильм-концерт.
11.55 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия масалалари.
12.30 «Бировнинг хати». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Бизнинг мактаб».
18.35 УзТВ хазинасидан. «Оталар сузи — ақлнинг кузи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Футбол. Франция-98.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Оҳанглардан таралган меҳр». Бастакор Толибжон Содиқов.
21.40 Н. Норқобилов. «Қўши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 1-қисм.
22.35 Теннис. «Челенджер» Халқ-аро турнири.
23.00 «Замон».
23.10 «Япония ҳақида ҳикоялар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.20 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.50 «ТВ плюс...»
19.05 «Нафис мажлислар».
19.15 «Мусиқий шарҳ».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Акс».
21.20 «Спорт қитъаси».
21.45 «Авлодимиз».
22.15 Кундалик.
22.00 «ТВ плюс».
22.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.35 «Кинонигоҳ».
00.05—00.15 Кундалик.
III
17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Игорь Моисеев балети». Мусиқий телефильм.
22.40 «Нафосат олами». Телефильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кунгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Чашма».
20.00 «Спортлото».
20.10 Эълонлар.
20.15 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
21.05 «Ҳуқуқ ва бурч».
21.25 «Парвоз».
21.55 «Автосалтанат».
22.05 «Мезон».
22.25 «Нафосат гулшани».
22.55 «Экстремал ўйинлар».
23.45—23.55 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўзбекистон бойлиги».
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фарзанд — умид юлдузи».
Ўқув курсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Физика.
11.00 Ўзбек тилини урганамиз.
*
11.30 «Умидларнинг этагига осилиб...». Т. Жура.
12.10 «Ловувининг сехрли чироғи». Бадиий фильм.
13.30 «Оламни асранг». Жаҳон атроф муҳитини муҳофаза қилиш куни.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.15 УзТВ хазинасидан. А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
* * *
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қўзгудаги акс». Фототанлов.
18.25 «Олтин мерос». Қаюм ота Азимов.
18.35 «Катта танаффус». Телеўйин.
18.55 «Меҳрим сизники». Гулчеҳра Жураева.
19.15 «Омонлик тилаймиз».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Инсон манфаатлари йили».
21.20 «Олтин мерос». Мумтоз наволар.
21.35 «Одобнома».
21.45 Н. Норқобилов. «Қўши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 2-қисм.
22.40 Теннис. «Челенджер» Халқ-аро турнири.
23.10 «Билиб қўйган яхши».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. «Афросиёб» (Самарқанд) — ГФР. Олимпия терма жамоаси.
00.40 Тунги тароналар.
00.50—00.55 «Ватан тимсоллари».
II
9.00 «Ерилтош». Мультўплам.
9.20 «Спорт қитъаси».
9.30 «Гайриқабиий олам».
9.45 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
10.05 «Услуб».
10.10 «Бебаҳо лаҳзалар».
10.20 «Нафис мажлислар».
10.30 «Мусиқий шарҳ».
10.40 «Акс».
11.00 «Авлодимиз».
11.15 «ТВ плюс...»
11.30 Фортепиано дуэтлар фестивали. 2-қисм.
11.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
12.00 «Зерикмай десангиз».
12.10 «Кунгил кунгилга пайванд».
12.50 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
13.10—14.40 «Кинонигоҳ».
* * *
18.00 Кундалик.
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мультўплам.
18.40 «Сувости дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «7 дан 70 гача».
21.25 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
21.45 Кундалик.
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50 «Спорт қитъаси».
00.10—00.20 Кундалик.
III
17.15 Янгиликлар.
*
6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Акаиро». Мультфильм.
*
21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Хартдаги уй». Бадиий фильм (АҚШ).
22.55 «Тошкент лавҳалари». Телефильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Айчурек».
20.25 «02» тулқинида.
20.40 Эълонлар.
20.45 «Эльдорадо». Телесериал.
21.15 «Жаҳон дурдоналари».
21.45 «Каталог».
21.55 «Эллада».
22.20 «Исроилга саёҳат».
22.40 «Интер-спорт».
22.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Олтин мерос». Мумтоз наволар.
8.40 «Юзма-юз».
9.00 Болалар учун. «Мучал туйи».
9.20 «Ишбилармон».
9.35 «Фан фидойилари». Устозни хотирлаб...
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Олов дамини даф этиб...»
Ўқув курсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Биология.
11.00 Немис тили.
*
11.30 «Дельфин нидоси». Бадиий фильм.
13.05 «Маърифат» видеоканали.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.15 УзТВ хазинасидан. А. Қодирий. «Меҳробдан чаён». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
* * *
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Нима учун?».
18.25 «Ҳуш келибсиз!».
18.40 «Эртага — шанба».
18.55 Бизнес ҳафта якунлари.
19.05 «Синфдош».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Йигит омон бўлса».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Ривоят».
21.40 «Қалб гавҳари».
22.00 Теннис. «Челенджер» Халқ-аро турнири.
22.20 «Тақдим».
22.25 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) — ГФР. Олимпия терма жамоаси.
00.40 Тунги тароналар.
00.50—00.55 «Ватан тимсоллари».
II
9.00 «Ерилтош». Мультўплам.
9.15 «Кузмунчоқ».
9.35 «Хавас ТВ».
9.55 «Қушиқлар жилоси».
10.10 «Жозиба».
10.25 «Зиндаги вҳуд муҳаббат».
10.50 Видео—«О».
12.25—12.55 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.30 Дилором наволар.
18.40 «Телевидение ва театр».
19.00 «Ханда дукони».
19.20 «Бугун кино оқшомида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сизлардан ишорат». Мусиқий дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.05 «Кинонигоҳ».
22.40 Ешлар дастури: «XXI аср авлодлари».
«Спорт қитъаси».
«Камолот».
23.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.15—00.25 «Даракчи».
III
17.15 Янгиликлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Шаҳрисабз».Манзарали телефильм.
*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Пойтахтимиз меҳмонлари». Чарльз Ансбакер.
21.50 «ТЭФИ-97». Телевидение соҳасида касб бўйича мукофотларнинг топширилиш тантаналари.
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кунгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
20.00 «Олам ва одам».
20.25 «Қанотлар».
20.45 Эълонлар.
20.50 «Эльдорадо». Телесериал.
21.20 «Бу бустон аро».
21.50 «Лагофат».
22.10 «Уй остонадан бошланади».
22.40 «Чинор».
23.10 «Кузги вернисаж».
23.30 Араб эстрадаси.
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Фароғат опа».
9.00 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Шохруҳ клуби».
10.30 Болалар учун. «Орзу».
«Ешлик» студияси намойиш этади:
11.00 «Ватанпарвар».
11.25 «Ҳамшира-97».
11.45 «Ешлар билан».
12.25 «Жавоҳирлар маликасига ҳужум». Бадиий фильм.
13.55 «Халқ иҳодиёти». Қодир Раҳим.
14.25 «Қушиғим, жон қушиғим».
14.55—15.55 «Маънавият» видеоканали.
* * *
17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Ранглар жилоси».
18.30 «Машрабхонлик».
18.50 «Сиз севган қушиқ».
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Рақслар гулдастаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 Дилнавоз садолар.
21.40 «Бизнес-академия».
22.00 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Куп қисмли видеофильм. 36-қисм.
22.35 Теннис. «Челенджер» Халқ-аро турнири.
«Тунги вғду».
Дам олиш дастури:
23.00 «Мусиқий саёҳат».
23.20 «Раисбек». Бадиий фильм.
II
9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...»
9.15 Дилором наволар.
9.25 «Телевидение ва театр».
9.45 «Ханда дукони».
10.05 «Сизлардан ишорат».
10.35 Ешлар дастури: «XXI аср авлодлари».
«Спорт қитъаси».
«Камолот».
11.20 «Кинонигоҳ».
12.50—13.50 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ерилтош». Мультўплам.
18.30 «Кузмунчоқ».
18.50 «Кулги дарғалари».
19.10 Дубляж.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Олтин кент».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури.
21.00 «Зиндаги вҳуд муҳаббат».
21.25 «Спорт қитъаси».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 Видео—«О». Патрик Суэйзи «Йўлбарс» лақабли киши» мело-драмасида.
23.50—24.00 «Даракчи».
III
17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
17.55 — 22.45 Россия жамоат телевидениеси.
*
22.45 Эълонлар.
22.50 «Янги қасоскорлар». Телесериал (Англия).
23.40 — 23.55 «Қуқонлик уста». Телефильм.
IV
9.00 «Аэробика».
9.20 Кининг олтин асри. «Уч мушкетер». Бадиий фильм. 2-серия.
10.50 Эълонлар.
10.55 Шанба эртаги.
11.55 «Спектаклдан сунг».
12.20 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
13.05 — 13.25 Корейс тилини урганамиз.
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Шанба оқшомида».
20.05 «Рақслар қанотида».
20.35 Эълонлар.
20.40 Кининг олтин асри. «Кондор». Бадиий фильм.
22.10 «5 дакиқа узинг учун».
22.15 «Салом, Франция!».
22.45 «Чинсен».
23.30 «Бу ажиб дунё».
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Бугун якшанба дастурида».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Цирк! Цирк! Цирк!»
9.40 «Мультолам».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Болалар дунёси».
11.15 «Бэмбининг болалиги». Болалар учун фильм.
12.30 «Пойинтар-сойинтар».
12.40 Ю. Розиқов. «Домла». Куп қисмли видеофильм. 36-қисм.
13.15 «Сохибжамол ва Махлуқ». Мультфильм. 2-қисм.
14.00 «Умид учқунлари».
14.20 «Катта танаффус». Телеўйин.
14.40 «Келгуси ҳафтада».
14.55 «Мусиқа салтанати».
15.15 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм. 12-серия.
16.05 «Жараён».
16.20 «Эгиз қушиқлар».
16.40 Ўзбекистон спорти.
16.55 «Турфа олам».
17.10 «Уч қирол жанги». Бадиий фильм. 5-серия.
18.00 «Тақвим».
*
18.10 Курсатувлар тартиби.
18.15 «Ҳамёндаги муъжизалар ёки...»
18.30 «Баҳодир Шоҳ Зафар». Куп қисмли телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
19.15 «Тухфа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка-ки».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Бу мунис лаҳзалар».
21.25 «Шахс ва баҳс».
21.50 «Келгуси ҳафтада».
22.05 «Менинг ҳам ўз овозим бор».
22.25 Теннис. «Челенджер» Халқ-аро турнири. Финал.
22.55 Эълонлар.
23.00 «Хафтанома».
23.30 Тунги сеанс. «Унта негр боласи». Бадиий фильм. 1-серия.
00.30 Тунги тароналар.
00.40 «Тақвим».
00.50—00.55 «Ватан тимсоллари».
II
9.00 «Боланинг тили...»
9.15 «Ерилтош». Мультўплам.
9.45 Болажонлар экрани.
11.00 «Табиат шифохонаси».
11.10 «Мухлис ТВ-2».
11.25 «Умрбоқий мерос».
11.40—13.20 Видео—«О».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Ерилтош». Мультўплам.
18.45 «Табиат шифохонаси».
18.55 «Умрбоқий мерос».
19.10 «Мухлис ТВ-2».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Қонун ҳимоясида».
20.10 Киноконцерт.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Мафтункор чеҳралар».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.45 Видео—«О».
23.45 «Мувозанат» — келгуси ҳафта тақвими.
24.00 «Мухлис ТВ-2».
00.15—00.25 «Даракчи».
III
17.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
17.10 — 21.55 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.55 Эълонлар.
22.00 «Янги қасоскорлар». Телесериал (Англия).
22.50 — 23.15 «Панорама».
IV
9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Парле ву франсе?».
10.00 «Эртакларнинг сехрли олами».
11.40 «Жонли сайёра».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 Эълонлар.
12.15 Киносалон. «25 центлик танга». Бадиий фильм.
14.15 «Мусиқий Олимп».
14.35 «Афоня». Бадиий фильм.
16.10 «Шу куннинг мавзуси».
16.25 Кундузги сеанс. «Қутқариш командаси». Бадиий фильм.
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Менинг кучам».
19.20 «Якши дегани нима-ю ёмон дегани нима».
19.40 «Телеташриф».
20.00 «Сенинг вақтинг». Ешлар учун дастур.
20.20 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
20.50 «Иштирок этувчилар».
21.20 Эълонлар.
21.25 Киносалон. «Регтайм». Бадиий ф

ТОҒУ СЎҚМОҚЛАР ЧОРЛАМОҚДА

Сўлим ёз бошланмоқда. Меҳнат аҳлининг, мактаб ўқувчиларининг таътил кунларини мароқли ва мазмунли ташкил этиш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Хусусан, болаларнинг дам олишини уюштиришда туризм ва саёҳатлар муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан республика болалар туризми ва маркази директори Ш. НАЗАРОВга мурожаат қилдик.

— Маълумки, 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни нишонлангандан кейин фарзандларимиз лагерларга, тоғларга, дарё бўйларига ошиқадилар. Бу йил ҳам болаларга мўлжалланган турли сайру саёҳатлар маршрутларини олдиндан режалаб қўйганмиз. Мақсад —соғлом авлодни тарбиялаш, фарзандларимизни фаол дам олишларини кўнгилдагидек бўлиши учун имкон яратилади. Бу борада республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ўзаро ҳамкорлик қилинмоқда. Ўйлаймизки, болакайларни Ватанимизнинг тарихий ва диққатга сазовор жойларига саёҳат қилдириш, бой маънавий қадриятларимиз билан таништириш самарали кечади. Айниқса, мустақиллик йилларида олиб борилган бунёдкорлик ишлари ёш саёҳатчиларда унутилмас таассурот қолдиради.

Айни пайтда, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда республика «Камолот» жамғармаси яқиндан ёрдам бермоқда. Ҳамкорликда қизиқарли саёҳатлар дастури тайёрланган. Бу саёҳатларга барча вилоятлардан ўқувчилар жалб этилади. Чунончи, Самарқанд, Бухоро ва Хева каби қадимий шаҳарларга сайр қилинади. Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган шаҳар-қишлоқлар зиёрат қилинади. Айниқса, автомобилсозлигимизнинг қалдирғоч корхонаси бўлган Асакадаги «ЎзДЭУавто» корхонасига қилинадиган саёҳат унутилмас таассуротларга бой бўлади, деган умиддамиз. Жами, 25 минг ўқувчи ана шундай сафарларда иштирок этади.

Албатта, ҳар қандай сайрни тоғларсиз тасаввур этиш қийин. Болаларда Ватан туйғусини жўш урдириш омилларидан саналган бундай спорт туризмига қизиқиш катта. Боиси, болакайлар сўқмоқлар бўйлаб чўққиларга интилишни хуш кўрадилар. Махсус гуруҳлар тузилиб, мутахассислар кўмагида тоғ бағридаги Қоронқўл масканига уюштириладиган дам олишлар ҳам бетакрор воқеаларга бой бўлиши кутиляпти. Шунингдек, ғарбий Тянь-Шан тоғ тизмалари бўйлаб ўн икки кунлик саёҳат кимни қизиқтирмайди, дейсиз. Қоронқўлда эса ўн кунлик дам олишларда мингга яқин ўқувчини саломатлигини мустаҳкамлашига имкон яратилади. Бундай сайри-саёҳатлар албатта, Катта Чимён тоғига мустақилликнинг олти йиллик байрамига бағишланган юриш билан якунланади. Бундай саёҳатга юртимизнинг турли бурчакларидан келган юз нафар ўқувчини жалб этишни мўлжаллаб турибмиз. Ниятимиз — ёз ойларида болакайларни саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом ўсишларига кўмак беришдан иборат.

Павел СИЛИН,
Республика «Ёдгорлик» жамияти нозири.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

«БАХТИЁР БОЛАЛИК» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз муштарийлар! Аввало қуйида келтирилиб, рақамларда ифодаланган ҳикмат ва халқ мақолларидаги сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. Амир Темур ўгитларидан:

«Чақалоқларни йиғлатмангиз, болаларга озор бермангиз — бу гуноҳи азим 23, 7, 9, 7. Бундай гуноҳни Оллоҳ хуш кўрмагай...»

2. Алишер Навоий:

Улча эрур туфлга 15, 14, 13, 2, 10, 24, 1 иш,
Билки кичикликта эрур парвариш,
Қатраға чун тарбият этти садаф,
Эл бошига чиққунча топти шараф,
Бариси қўймоқлик эрур яхши от,
Ким десалар 26, 24, 6, 1, 8, 1, 13 андин уёқ.

3. Мақсуд Шайхзода:

Ҳар оила бахтининг меъзони — фарзанд,
Ота-онага 6, 26, 20, 72, 11, 14, 3 дилбанд.
Босолмас жужуқлар ўрнини, билсанг,
Олам хазинасин берсалар 20, 1, 7, 25, 1, 13, 16.

Халқ мақолларидан:

4. Одам умрининг 5, 1, 4, 4, 1, 24, 2 фарзанд.
5. Болалик уй бозор, Қилиғи кунгил 17, 4, 1, 7.
6. Бола бўлса, 11, 26, 15, 2, 12 топилар.
7. Ўнта бўлса 22, 7, 3, 2 бошқа.
Қирқта бўлса — қилиғи.
8. Фарзанд — белнинг 18, 9, 21, 21, 1, 24, 2.
9. Она — меҳрибон, ота 19, 1, 6, 8, 9, 4, 14, 7.

Энди шаклдаги рақамларни очқич сўзлари жавобидаги таллуқли ҳарфлар билан алмаштириб ўйланмани ечинг. Ундан фарзандларга қарата айтилган олти мисра шеър аён бўлади. Ушбу мисралар қайси шоир қаламига мансублигини биласизми?

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 31-may, shanba № 63 (22.147).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Совместное узбекско - итальянское предприятие

«СОВПЛАСТИТАЛ»

имеет честь искренне, от всего сердца поздравить весь народ Республики Италия с Национальным праздником.

Мы от всей души приветствуем углубление сотрудничества между Республикой Италия и Узбекистаном.

Гордимся, что наши совместные усилия способствуют укреплению экономической независимости Узбекистана, приближению его великого будущего!

СП «СОВПЛАСТИТАЛ»

YILOYKUN
Yangiliklar, voqealar, xabarlar

TEGIRMON O'RNIGA ZAVOD

NAMANGAN. Pop tumanida eski tegirmon o`rnida loyiha qiymati 30 million so`m bo`lgan guruch zavodi qurilishi tezkorlik bilan olib borilmoqda. Tuman don mahsulotlari hissadorlik jamiyatiga tegishli korxona mustaqilligimizning 6 yilligi bayramida ishgha tushadi. Zavod bitgach, kuniga 50 tonnagacha guruch va yorma mahsulotlari ishlab chiqarish imkoni tug`iladi.

Mahmudjon PARPIUEV.

Qafasga hujum
B.ALLOYOROV olgan syrat.

ETIBOR RAMZI

SAMARQAND. Jomboy tumanidagi G`azara qishlog`ida O`zbekiston Fanlar akademiyasi hamda tuman "Ma`rifat va ma`naviyat" markazi hamkorligida shu yerda yashab ijod etgan buyuk zot Hazrat Azizon Shayh Xudoyzodi Vali tavalludining 550 yilligi mynosib nishonlandi. Anjymanda Samarqand Davlat universiteti professorlari, olimlari va talabalari ishtirok etdi.

O`sar ABDURAHIMOV.



ЭЪЛОН

1997 йил 24 апрелда чоп этилган "Энг яхши дарслик ва ўқув қўлланмалари учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг республика мукофотига танлови" ҳақидаги эълондаги кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиш муддати 15 июнгача узайтирилади.

Манзилгоҳ: Тошкент ш. 700011, "Пахтакор" кўчаси, 3-уй, 14-хона. Тел: 41-28-40.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 261-ўрта мактаб томонидан Муҳиддинов Даврон Нуриддинович номига 1987 йилда берилган №316233 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

МАНЗИЛЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0282

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Kodak EXPRESS

hama ®
Германия

Муҳтарам тадбиркор жаноблар!
«GROSSZET GmbH» компанияси

рангли фотография плёнкалари ва суратларини замонавий технологиялар асосида ишлаб бериш бўйича буюртмалар қабул қилиш пунктларини очиш юзасидан ўзаро манфаатли ҳамкорликка таклиф этади.

Чегирмаларнинг мақбул тизими. Сифат кафолати.

Буюртмаларнинг ўз вақтида бажарилиши.

Таклифларингизни кутамиз.

Тел.: (3712) 32-00-51, 32-00-52, тел/ факс: (3712) 32-00-73.
E-mail.: grosszet @ hama. silk. org

Фуқаролар, корхона ва ташкилотлар диққатига

"ЎЗЭЛЕКТРАСБОБСАВДО" ҳиссадорлик жамияти

Асакада ишлаб чиқарилаётган "НЕКСИЯ", "ДАМАС", "ТИКО" автомобилларини *таклиф этади.*

Тўлов усули: накд пулга ва пул ўтказиш йўли билан.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 125 -уй.

Телефонлар: 48-53-48, 48-76-34, 48-41-49.

Мирзо Улуғбек номидаги **САМАРҚАНД** давлат меъморчилик - қурилиш институти *1997 йил 21 июнь соат 10⁰⁰ да* институтни битириб кетган собиқ талабалар билан учрашув ўтказади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг ректорати ва касаба уюшмаси француз тиллари факультети собиқ декани, доцент, кафедра мудири **Исматилла САГДУЛЛАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.